

## Тошкент тиббиёт академияси клиникаларининг фаолияти ва уларнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги ўрни.

(маърузачи А.К. Курбонов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629 Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2005 йил 29 июлдаги 178-сонли қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 1-августдаги 352 - сонли буйруқларига асосан собиқ, Биринчи ва Иккинчи тиббиёт институтлари клиникалари базаларида Тошкент тиббиёт академиясининг 1-, 2-, 3-клиник шифохоналари ташкил этилган. Тошкент тиббиёт академияси клиникалари ўқув-даволаш ва илмий ишларини амалга оширувчи тиббиёт муассасалари сифатида ҳозирги кунда фаолият кўрсатиб келмоқда.

### Клиникаларнинг асосий вазифалари :

- Умумий амалиёт шифокорлари, клиник ординаторлар ва магистрлар тайёрлаш учун лозим бўлган барча шароитларни яратиш.
- Юқори малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда керакли барча шароитларни яратиш.
- Республика аҳолисига юқори малакали амбулатор ва стационар шароитида ССВнинг буюртмасига асосан ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш.
- Диагностика ва даволаш ишларида илғор технологияларни ишлаб чиқиш, ҳамда амалиётга жорий этиш.
- Республика миқёсида аҳолига шошилиш тез тиббий ёрдамни ташкиллаштириш.

Биз бугунги маърузамизда Тошкент тиббиёт академияси қошидаги клиникаларнинг асосий вазифаларидан саналган ўқув жараёнидаги фаолиятини ёритишга ҳаракат қилдик.

### Клиникаларда жойлашган кафедралар ва ўқув хоналари:

№		1 клиника	2 клиника	3 клиника
1	Кафедралар сони	10	7	7
2	Ўқув хоналар сони	117	87	28
3	Маъруза заллари	4	7	7

Клиникаларнинг ўқув хоналарида талабаларнинг назарий ва амалий билим олишлари учун клиникалар маъмурияти ва кафедра ходимлари томонидан барча шароит ва қулайликлар яратилган. Кафедраларда жойлашган ўқув хоналари касаликлар бўйича тематик хона сифатида жихозланган ва талабаларга мавзулар бўйича дарс ўтиш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Хисобот йилида Академиянинг клиникаларида 63566 нафар, жумладан 1 – клиникада 20227 нафар, 2 – клиникада 24769 нафар, 3 – клиникада 18570 нафар Республика вилоятлари ва яқин Ҳориждан келган беморларга стационар шароитда юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилган бўлиб, бунда



клиникаларда жойлашган кафедра ходимларининг роли каттадир. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида Академиянинг 1 – клиникасида 30 т.ф.д., 85 т.ф.н., 2 – клиникасида 1 та академик, 28 та т.ф.д., 44 та т.ф.н., 3-клиникасида 1 та академик, 11 та т.ф.д., 37 та фан номзодлари бевосита иштирок этишмоқда.

#### **Клиникаларда тематик беморлар билан таъминланиш ҳолати.**

Клиникаларда 193000 қатновга мўлжалланган, жумладан 1 – клиникада 70000 та қатновга мўлжалланган 3 та поликлиника, 2 – клиникада 62000 та қатновга мўлжалланган 4 та поликлиника, 3 – клиникада 61000 қатновга мўлжалланган 3 та поликлиника мавжуд бўлиб, мурожаат қилган беморларни тўлиқ текширувдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларида талабалар, клиник ординатор ва магистрларнинг бевосита иштироқи йўлга қўйилган. Клиникалардаги мавжуд бўлган ихтисослаштирилган бўлимлар томонидан кафедраларнинг ўқув дастурлари асосида берилган талаблар бўйича тематик беморлар билан узлуксиз ўрнатилган тартибда таъминланган. Бу жараён маъмурият томонидан доимий назоратга олинган.

#### **Клиникаларда магистр ва клиник ординаторларнинг фаолияти.**

Академиянинг 1-клиникасида 117 нафар магистрант, 45 нафар клиник ординаторлар 2761 нафар беморларни даволаш жараёнида бевосита иштирок этиб келмоқда.

Академиянинг 2 - клиникасида 102 нафар магистрант, 25 нафар клиник ординатор бўлиб, улар 2920 нафар беморларни даволаш жараёнида бевосита иштирок этиб, бевосита раҳбарлари иштирокида 1490 та жарроҳлик амалиётларида катнашган.

Академиянинг 3 – клиникасида 97 нафар магистрант, 32 клиник ординатор бўлиб, улар 2664 нафар беморларни даволаш жараёнида бевосита раҳбарлари иштирокида 603 та жарроҳлик амалиётида катнашган.

#### **Клиник ва патологоанатомик конференцияларни ўқув жараёнидаги ўрни.**

Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиника миқёсида 10 та клиник ва 3 та патологоанатомик конференциялар, 2 клиникада клиника миқёсида 7 та клиник ва 3 патологоанатомик конференциялар, 3 – клиникада клиника миқёсида 12 та клиник ва 6 та патологоанатомик конференциялар ўтказилган бўлиб, кафедраларнинг профессор – ўқитувчилари, изланувчилар, магистрлар, клиник ординаторлар ва талабалар иштироқи таъминланган.

#### **Талабаларга кўрсатилган тиббий хизмат ва яратилган шароитлар.**

1-клиникада талабалар поликлиникаси мавжуд бўлиб, ҳисобот йили даврида поликлиникага жами 3977 нафар талабалардан 820 нафари тиббий кўриқдан ўтказилган, шулардан: 361 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилган, 782 нафарида сурункали хасталик аниқланган, 36 нафар талабалар диспансер назоратига олинган, 1410 та талаба амбулатор шароитида соғломлаштирилган, 2 нафар талаба имтиёзли равишда стационар шароитда даволанган. Академиянинг 2-клиникасида 42 нафар талаба клиника томонидан талабалар учун ажратилган бепул ордерлар орқали стационар шароитда даволанган. Академиянинг 3-клиникасида 17 нафар клиник ординатор ва магистрлар соғломлаштирилган ва тиббий кўриқдан ўтказилган.



## **Клиник шифохоналар ва уларда жойлашган кафедраларнинг интернет тармоғига уланганлиги.**

Клиникаларда 306 та компьютер мавжуд. Академиянинг барча ўқув корпуслари, кафедралари ва клиникалари ҳамда клиника маъмурияти оптик толали интернет тизимига уланган. Хисобот йилида клиникалар томонидан интернет хизмати учун 40823035 сўм сарфланган бўлса, шундан 1- клиника томонидан 15 741 935 сўм, 2 - клиника томонидан 14645000 сўм, 3- клиника томонидан 10436100 сўм сарфланган.

Хозирги кунда барча клиникаларнинг Веб сайтлари ([www.1-klinikatma.uz](http://www.1-klinikatma.uz), [www.2-klinikatma.uz](http://www.2-klinikatma.uz), [www.3-klinikatma.uz](http://www.3-klinikatma.uz)) ташкил қилинган. Интернет хизмати Академия ходимлари, талабалар ва клиника шифокорларининг интернетда замонавий даволаш – диагностика усуллари, фандаги охирги ютуқлар, янгиликлар буйича ахборот топишга, мурожаатларга онлайн консультациялар ташкил этишга ёрдам бериши эътиборга лойиқдир.

### **Хорижий тилларни ўрганиш бўйича:**

1-клиникасида ва кафедра ходимлари томонидан иш жараёнидан ташқарида махсус тил ўрганиш курслари ташкил қилинган. Тошкент тиббиёт академияси кафедраларида хорижий тилларни бўйича ижобий ишлар қилинмоқда.

2 – клиникасида махсус инглиз тили курслари ташкил этилган бўлиб, унда клиника ходимлари ўз тил бойлигини оширмоқда.

3-клиникасида жойлашган барча клиник кафедра ва бўлимларда инглиз тилини ўрганиш бўйича махсус курсларда кафедра ва клиника ходимлари тил бойликларини оширмоқдалар. Клиника бўлимларида шифокорларнинг инглиз тилини ўрганиши, билимларини оширишдаги ишлар ижобий даражада олиб борилмоқда.

Тошкент тиббиёт академияси клиникалари тамаки махсулотлари савдоси ва истеъмолидан холи ҳудуд ҳисобланади. Бу тўғрисида клиникалар ҳудудида чекиш ва унинг организмга зарарли таъсири тасвирланган қатор янги баннерлар ўрнатилган. Клиникалар ҳудудида талабаларни хордиқ чиқариши учун микроклимат ва ўриндиқлар ташкил этилган.

### **Клиникаларда тахсил олаётган талабалар учун қатор қулайликлар.**

1-клиника тахсил олаётган талабалар учун қатор қулайликлар яратилган бўлиб, шу жумладан: 5 та замонавий жиҳозланган ва санитария меъёрий талабларига жавоб берувчи талабалар учун овқатланиш жойлари ташкил қилинган, махсус тиббий кийим сотиш учун савдо шахобчаси, сартарошхона клиника ходимлари ва талабаларга йил давомида хизмат кўрсатади, талабалар ва барча фуқаролар учун клиника ҳудудида қулайликларга эга бўлган бепул санитария хонаси ташкил қилинган, пластик карточкалар билан ишловчи терминаллар, компьютер хизмати тизими, чакана савдо шахобчаси, клиника ҳудудида талабаларни хордиқ чиқариши учун микроклимат ва ўриндиқлар ташкил этилган.

2- клиникада тахсил олаётган талабалар учун қатор қулайликлар яратилган бўлиб, жумладан жами 3 та замонавий жиҳозланган ва санитария талабларига жавоб берадиган умумий овқатланиш жойлари ва 4 та буфет мавжуд. Умумий овқатланиш жойларида клиника томонидан терминаллар ўрнатилишида амалий



ёрдам кўрсатилган. Клиника ҳудудида профессор – ўқитувчилар, талабалар ва клиника ходимлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 2 та сартарошхона, пайнет тизими ва компьютер хизмати шохобчалари ташкил қилинган.

3-клиникада жами 5 та, майдони 580 кв.м га тенг бўлган 350 ўринга мўлжалланган умумий овқатланиш жойлари мавжуд, улардан 2 таси буфет шаклида. Умумий овқатланиш жойларининг барчасига клиника томонидан терминаллар ўрнатилишида амалий ёрдам кўрсатилган. Клиника ҳудудида профессор - ўқитувчилар, талабалар ва клиника ходимлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида пластик карточкалар билан ишловчи «Асака Банк» нинг шаҳобчаси, 6 та банкомат, 1 та пойафзал тузатиш устахонаси, 2 та хожатхона, волейбол ва баскетбол уйинлари учун спорт майдонлари ташкил этилган. Шу билан бир қаторда клиникада мини АТС харид қилиниб, барча кафедраларда телефон тармоқлари капитал таъмирдан чиқарилган, ички телефон тармоқлари фаолиятда.

### Таклифлар

- Илмий изланишларни даволаш – диагностика жараёни билан боғлиқлигини янада такомиллаштириш, изланишлар натижаларини оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини жадаллаштириш;
- Кафедра ва клиника ходимлари ўртасида замонавий даволаш ва диагностика стандартларига асосланган мавзуларда клиник конференцияларни ўтказишни кўпайтириш;
- Клиникаларнинг қабул бўлимлари ва консултатив поликлиникаларида ўқув жараёнига таъсир қилмаган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг консултацияларини жадвал асосида таъминлаш;
- Ўқув-илмий ва даволаш жараёнларини мукамаллаштириш мақсадида клиникаларда ягона компьютерлашган маълумотлар базасини ташкил этиш;
- Клиника локал тармоғидаги электрон кутубхона базасини кенгайтириш мақсадида кафедра ходимларининг иштирокини янада кўпайтириш;
- Ахборот коммуникацион технологиялардан юқори даражада фойдаланиш мақсадида клиника бўлимларида Wi-Fi ҳудудларини ташкил қилиш;
- Мавжуд интернет тармоғининг доимий ишлашини таъминлаш ва бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун керакли барча шароитларни яратиш, клиник шифохона ходимларини компьютер саводхонлигини янада ошириш;
- Барча клиник шифохоналар ходимларининг хорижий тилларни ўрганишини юқори савияга олиб чиқиш;
- Рационал овқатланиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш ишларини кўчайтириш;
- ТТА клиникаларида жойлашган кафедра ходимлари ва маъмурият билан биргаликда коррупцияга қарши кураш ишларини жадаллаштириш.